

Қозоғистон Республикасида Қуръон мусобақаси бўлиб ўтди



14:00 / 30.07.2019 2015

Қозоғистон Республикасининг «Дину Муҳаммад қунайиф» номли жоме масжидида ёшлар ўртасида Қуръон мусобақаси бўлиб ўтди. Бу ҳақда iqna хабар беради.

Мусобақада саккиз ёшдан ўн уч ёшгача бўлган болалар иштирок этишди.

Ушбу мусобақада Қозоғистон мусулмонлар идораси муфтий ўринбосари Алаф Одил Баюф иштирок этди. У ўз нутқида қуйидагиларни таъкидлади: «Қуръони карим ўсиб келаётган ёшларни тарбиясида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таолонинг каломи Қуръони карим борасида мусобақалар ташкил этиш жуда аҳамиятлидир».

Мусобақа сўнгида ғолибларга эсдалик совғалар ва пул мукофоти топширилди.

Islom.uz портали тахририяти